RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

TOSHKENT

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 36 (9.074) * 1998 йил 30 март, душанба * Сотувда эркин нархда

Изҳор

## ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

**Ёқуб АҲМЕДОВ, Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри директори, Ўзбекистон халқ артисти:**

— Республикамиз Президентининг куни кеча эълон қилинган «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони биз — санъаткорларнинг қалбидаги чин муддао бўлди. Айни пайтда ушбу Фармон Президентимиз, ҳукуматимизнинг санъатимизга кўрсатаётган изчил ғамхўрлигининг яна бир ёрқин ифодаси ҳамдир.

Ўзбекистон театри — бу узоқ тарихга, ўзига хос услубга, йўналишга эга бўлган устувор санъатдир. Мана шу санъатни мустақиллик ғоялари билан, миллийлик туйғулари билан суғориш, янгича, истиқлол руҳини бахш этиш, замонавий асарларни саҳнага олиб чиқиш, миллий санъаткор кадрларни тарбиялаш борасидаги ишларимизга ушбу фармон қанот бериши шубҳасиз.

Фармонда «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг асосий вазифалари аниқ ва равшан белгилаб берилган. Унда халқимизнинг бой маънавий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятларимизга ҳурмат, ўзбек халқининг томоша санъатларини чуқур тадқиқот этиб ўрганиш, айниқса, ижодкорларни иқтисодий муҳофаза қилиш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва тарбиялаш шулар жумласидандир.

Ўйлайманки, барча санъаткорлар ушбу ғамхўрликка жавобан умрибоқий асарларни яратиш йўлида ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ меҳнат қиладилар, тер тўкадилар.

## ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

**Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ, Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрининг бадиий раҳбари ва бош режиссери, Ўзбекистон халқ артисти:**

— Театр — бу ҳаёт. Ҳамма замонда томошабинлар театрдан худди ўзларининг яшаган дамларини кўзгуда кўргандек кўриб келганлар, дилларига туғён солган саволларга жавоб топганлар. Бунда, албатта, саҳна ижодкорлари — актёрларнинг маҳоратлари асосий омил бўлган.

Маҳорат ўз-ўзидан дунёга келмайди. Унинг учун шарт-шароит зарур. Президентимизнинг фармонида айнан мана шу шарт-шароитлар мукаммал белгилаб берилган. Ҳозирги ўзбек театри саҳнасида миллий драматурглар билан бир қаторда, хорижий муаллифларнинг асарлари ҳам ўйналади. Ўз-ўзидан равшанки, вақти келганда биз ҳам хорижга боришимизга тўғри келади.

Тошкентда Навоий асарларини қандай ижро этган бўлсак, томошабинлар уни қандай олқишлаган бўлса, Парижда ёки Лондонда ҳам шундай намойиш этишни, шундай олқиш олишни орзу қиламиз. Бунинг учун театрларимиз саҳнаси, томошабинлар зали, унинг декорациялари, кўйингчи, эшигидан тортиб то пардасигача ана шу юксак талабга жавоб берадиган бўлиши керак. Энди барча театрларимиз шундай бўлади.

Фармон ўз вақтида, театрларимиз юксак парвоз учун ўз қаддини ростлай бошлаган бир пайтда қабул қилинганлиги билан эътиборлидир. Унда белгилаб қўйилган ёш ижодкорлар ижодини тарғиб қилиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, мамлакатимизда ва чет элларда таълим олиш ҳамда малака оширишларини уюштириш ҳақидаги сатрлар барча ёшларга ҳам, катта актёрларга ҳам масъулият юклайди, ҳам кенг имкониятлар очади.

*Ғолиб МИРЗО ёзиб олди.*

Қурилиш

## МОЗИЙ БИЛАН ҲАМОҲАНГ

### бинонинг замонавий қиёфаси

***Пойтахтимиз марказида жойлашган «Сайилгоҳ» кўчаси шу кунларда ҳамшаҳарларимиз кўз ўнгида улкан қурилиш майдонига айланди. Бу кўчада эртадан то кечгача юк машиналарию кранларнинг овозлари, бунёдкорлар ҳаракати бир зум тинмаяпти. Бу ерда бунёд бўлажак янги иншоотлар ҳақида газетхонларимизни аввал таништириб ўтган эдик. Бугун эса ҳамшаҳарларимизни қизиқтираётган яна бир савол устида тўхталишни лозим топдик. Бу кўчада бузилмай қолган Тошкент Давлат юридик институти биноси қиёфаси ва ички кўринишлари қандай бўлади?***





Аввало, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, юридик институтининг биноси қурилганига анча йил ўтганига қарамай, мозий билан ҳамоҳанг ташқи кўриниши сабабли меъморларимиз томонидан тайёрланган янги лойиҳада ҳам сақлаб қолинди. Икки корпусдан иборат институт биносининг хоналари эса тўла қайтадан таъмирланиб, иккинчи корпус ёнига яна бир замонавий бино қурилади.

Айни кунларда бу ерда таъмирлаш ишларида бош пудратчи саналган «Тошсаноатфуқароқурилиш» ҳиссадорлик жамияти қурувчиларининг меҳнати қизигандан қизимоқда. Чинакам қурилиш майдонини эслатувчи бино ҳовлисида тикловчи, ғишт терувчи, сувоқчи, бўёқчи, созловчи, дурадгордан тортиб электрчи, сантехник, газчи, ободонлаштириш ходимигача, барча-барчани учратишингиз мумкин. Ишбоши Дилмурод Холмуродовни бригада бошлиқларига зарур топшириқлар бераётган пайтда учратдик.

— Таъмирлаш ишларини ўтган йили бошлаган эдик, — деди у. — Тўғрисини айтганда, бинонинг фақат тикланган ғиштлари қолди холос. Бошқа қурилиш ишларининг барчасини 450 дан ортиқ бунёдкоримиз бор маҳоратларини ишга солиб бажаришмоқда. Эшик ва деразалар қайтадан ўрнатилди, хоналарнинг шиплари тўла таъмирдан чиқмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, шипларга ўрнатилган материаллар хориждан келтирилган бўлиб, енгил, ёнғинга чидамли, кўриниши ҳам жудаям чиройли, ўзига ўрнатилган чироғи эса хоналарга ўзгача файз бахш этмоқда.

106 та ўқув хоналаридан иборат бўлган 3 қаватли ғиштин бинога ўзбек-британ қўшма корхонасида тайёрланган, жуда чиройли кўринишга эга бўлган замонавий алюминдан тайёрланган ром ва ойналар ўрнатилиб бўлинди. Ҳар бир ўқув хонаси ўзига хос руҳда безалмоқда ҳамда талабаларнинг замонавий ва шинам аудиторияларда билим олиши, бу ерларга янги жиҳозлар ўрнатилиши ҳам ҳисобга олинмоқда.

Институтнинг биринчи корпуси биносини ҳам шу қурилиш ташкилоти бунёдкорлари бажаришган эди. Албатта, қурилиш ва қайта безаш ишларини олиб боришда 8 та бўлимга бўлиниб, ўзаро ҳамжиҳатликда ишлаётган бригада аъзоларининг меҳнатларини таъкидлаб ўтмай илож йўқ. Чунки ҳар кунги иш натижалари кўриб чиқилар экан, уларнинг ўз кундалик ишларини қандай бажарганлиги алоҳида таъкидланади. Ана шундай муваффақиятли натижалар Маъмур Йўлдошев, Тўра Йўлдошев, Тазкира Галеева етакчилигидаги бригадаларда қайд этилади. Шу билан бирга Тўлаган Қўчқоров, Борис Галеев, Дилшод Эрназаров, Саид Сулаймонов сингари ғишт терувчи, пайвандчи ва пардозловчиларнинг меҳнатлари юқори баҳоланади.

— Қурувчиларимиз шаҳримиздаги жуда кўплаб иншоотлар қурилишида ўз моҳирликларини меҳнатлари билан намойиш этишиб, эътибор қозонишган, — дейди 2-филиал раҳбари Владимир Пряничников. — Улар ўтган йилларда «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик уюшмасидаги замонавий цехлар қурилишида, Олий Мажлис, Давлат мулк қўмитаси бинолари ҳамда «Отчопар» бозоридаги бунёдкорлик ишларида фаол қатнашишган. Асосий мақсадимиз бажарган ишимиз сифатли, қурган биноларимизнинг мустаҳкам бўлишига эришишдир. Шу йилнинг май ойларида институт биносини фойдаланишга топшириш ниятимиз бор. Янги ўқув йилида институт талабалари меҳнатимиз мевасидан баҳраманд бўлишади.

Пешма-пеш етказиб берилаётган қурилиш материаллари 16-механизациялашган кўчма жамланма кранчиларининг камарбасталиги бу ерда меҳнат қилаётганлар учун ўз вазифаларини бекаму кўст адо этишда ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

*СУРАТЛАРДА: институт биносининг ташқи кўриниши; бригада етакчилари Маъмуржон Йўлдошев ҳамда Тазкира Галеевалар иш суръати тезлашишида ҳамиша ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда; Дилшод Эрназаров бажарган ишларга кўпчилик юқори баҳо беради.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*



БУГУНГИ КУН НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Давлатлараро кенгаш мажлисида иштирок этган Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги Баёноти республика газеталарида эълон қилинди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида»ги Фармонига қисман ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

◆ Адлия вазирлигида Президент Ислом Каримовнинг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан республика Адлия идораларининг вазифалари мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

◆ Ички ишлар вазирлиги Академиясида Ҳалқаро Қизил Хоч қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ билан биргаликда ички ишлар органлари ходимларининг касбий муомала назарияси ва амалиётига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

◆ Ҳиндистон элчихонаси маданий марказида Наврўз айёмига бағишланган тантана бўлди. Бу тантанада шарқшунос ва тарихчи олимлар, адиблару рассомлар, санъатшунослар, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

◆ Ўзбекистон Давлат санъат музейида «Германияда портрет фотосурати — 1850—1918» фотокўргазмаси очилди. Ушбу тадбирни санъат музейи ва Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ташкил этди. Унда юзга яқин портрет намойиш этилмоқда.

◆ Тошкентда таниқли француз балет труппаси — «Колин»нинг гастроллари бошланди. Пойтахт театр шинавандалари Горький номидаги театрда улар ижро этган бир кўринишли балетларни мароқ билан томоша қилдилар.

### ЖАҲОНДА

◆ Анқарада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг турк тилида чоп этилган «Ислоҳотлар ва барқарорлик» китобининг тақдимоти бўлди. Туркия Президенти Сулаймон Демирэл китобга сўзбоши ёзган.

◆ Кеча Украинада парламентга ва ҳокимиятнинг олий органларига сайловлар бўлиб ўтди. 30 дан зиёд партиялар ва уюшмаларнинг вакиллари парламентдаги 450 ўринга даъвогарлик қилдилар.

◆ Бугун Арманистонда президентлик сайловларининг иккинчи босқичи ўтиши керак. Маълумки, унда икки номзод — ҳозирги Бош вазир ва Президент вазифасини бажарувчи Р. Кочарян ва «Армэлектрозавод» директори, собиқ совет Арманистонининг раҳбари К. Демирчян иштирок этмоқдалар.

◆ Россиянинг собиқ Бош вазири Виктор Черномирдин 2000 йилда бўладиган президентлик сайловларига ўз номзодини қўйишга қарор қилганлиги ҳақида баёнот берди.

◆ Россия Президенти Борис Ельцин Давлат думасига Бош Вазир вазифасини бажариб турган Сергей Кириенконинг номзодини расмий равишда тақдим этди. Бу масала 3 апрель куни Давлат думасининг мажлисида кўриб чиқилиши керак. Маълумки, агар Давлат думаси Бош вазир номзодини уч марта тасдиқламаса, Президент парламентни тарқатиб юборади ва муддатидан илгари сайловларни белгилайди.

◆ Бокуда Каспий денгизи мақоми бўйича Россия — Озарбайжон ўртасида маслаҳатлашув бўлиб ўтди.

◆ Бугун Бокуга Туркманистон ташқи ишлар вазири келади. У Озарбайжон ташқи ишлар вазири билан Каспий денгизи мақоми бўйича музокаралар олиб боради.

◆ Бугун Москвада Россия Президенти Борис Ельцин билан Россияга ташриф буюрган БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўртасида музокаралар бўлиб ўтади.

◆ Кеча Тожикистонда яқинда Кофарнихон туманида бўлган жангларда асирга олинган ҳукумат қўшинларининг 16 нафар ҳарбий хизматчиси озод қилинди.

◆ Кеча Намибия Президенти С. Нуйома расмий ташриф билан Москвага келди. Россия раҳбарияти билан олиб бориладиган музокаралар якунида икки томонлама муҳим ҳужжатларнинг имзоланиши кутилмоқда.

◆ Литва, Латвия ва Эстония «Баҳор шамоли-98» деб аталувчи биргаликдаги ҳарбий машқларни ўтказмоқда.

◆ Озарбайжон Адлия вазирлиги мамлакатнинг ҳозирги раҳбариятига мухолифатда турган ўнлаб сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини тўхтатишни мўлжалламоқда. Вазирлик тарқатган баёнотга кўра ушбу мухолифатдаги партиялар давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса-да, мамлакатда фаолият кўрсатишмоқда. Ҳужжатда айтилишича, бу партияларнинг фаолияти «ноқонуний ва йўл қўйиб бўлмайдиган» ҳаракатдир.

◆ Тожикистон Республикаси Осиё Тараққиёт банкига аъзо бўлди. Эндиликда Тожикистон ҳам мазкур ташкилотдан молиявий ёрдам олиши мумкин.

◆ Кубанинг Кариб денгизи соҳилларида Панама ва Куба кемалари тўқнашиб кетди.

◆ Форс кўрфазида, Ироқ чегарасига яқин жойда биргаликдаги Америка — Қувайт ҳарбий машқлари бошланди.

Теннис

## «НАВРЎЗ» МУСОБАҚАСИ ЯКУНЛАНДИ

***Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Республика теннисни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси томонидан уюштирилган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги «Наврўз» теннис мусобақаси ўз ниҳоясига етди.***

Юнусобод теннис мажмуида ўтказилган муросасиз баҳсларда энг кучли теннисчилар аниқланди, ва улар шу ҳафтада Наманганда бошланадиган мусобақаларда қатнашиш имконини қўлга киритишди. Жумладан 12 ёшгача бўлган иштирокчилар ичида Фарруҳ Дўстов, 13—15 ёшлилар гуруҳида Павел Гриченко, 16—18 ёшлилар категорида Александр Мальцевлар ғолиб бўлишди. Қизлар ўртасида эса Лолита Франгулян, Гулнора Хўжаева, Луиза Биктяковалар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Беллашувлар жараёнида жуфтлик мусобақалари ҳам ўтказилди. 12 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Андрей Болдирев — Жалол Умаров, 13—15 ёшлилар гуруҳида Наил Аюпов — Денис Истолин, 16—18 ёшлилар ичида Денис Салимсоқов — Донис Курматов жуфтлиги биринчиликни эгаллашди. Қизлар ўртасида эса беллашувлар фақат 12 ёшгача бўлганлар ва 16—18 ёшлилар гуруҳида ўтди. Унда Варвара Ленченко — Лолита Франгулян ва Луиза Биктякова — Марья Жоржио жуфтлиги ғолиб бўлишди.

Мусобақалар сўнгида Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Атхамжон Миржалилов ва шаҳар ҳокимининг ўринбосари, теннисни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Рустам Шоабдураҳмонов ғолибларни тақдирлаш маросимида турнир ҳомийлари — Халқаро бизнес марказининг Тошкент шаҳар бўлими, «Тоу компани лимитед», «Паназия трейдинг», «Кока-кола ичимлиги Тошкент ЛТД», «Фотон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси «Аброр» хусусий фирмасининг совғаларини топширишди.

*Мурод РАҲИМОВ.*




*Суратда: «Наврўз» ўсмирлар турнирининг ташкилотчилари ва қатнашчилари.*

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

## ТУНГИ КЎНГИЛОЧАР МУАССАСАЛАР АЙРИМ ТУРЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ВА РЕКЛАМАНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокимининг 1998 йил 28 февралдаги 64-сонли қарорига мувофиқ ва тунги пайтларда дискотекалар, ресторанлар, тунги клублар ва шунга ўхшаш бошқа муассасалар тунги пайтда фуқаролар тинчлигини бузаётгани тўғрисида аҳолидан кўплаб шикоятлар келаётганлигини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов «Тунги кўнгилочар муассасалар айрим турларининг фаолиятини ва рекламани жойлаштиришни тартибга солиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Шу қарорга мувофиқ туман ҳокимлари 1998 йил 1 апрелдан бошлаб дискотекалар, дископлублар, тунги клублар ва шу тоифадаги муассасалар ҳамда шоу тадбирлари ўтказиладиган ресторанларнинг иш вақтларини кечки соат 24.00 га қадар чеклашлари керак.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси (Э.Н. Норгитов), Давлат солиқ бош бошқармаси (А.С. Валиев) белгиланган иш тартибига риоя қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатишлари ва ушбу қарорда кўрсатилган муассасалар кечки соат 24.00 га қадар ишлаши юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўришлари керак. Шунингдек, шаҳар Ички ишлар ва Давлат солиқ бош бошқармалари туман ҳокимликлари билан биргаликда 1998 йил 1 апрелга қадар барча сауна, ҳавзалар, ҳаммомлар ва шунга ўхшаш муассасаларни ҳисобга олишлари ҳамда уларнинг иш вақтларини кечки соат 23.00 га қадар чеклашлари керак.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти (С.С. Муслимов) ушбу қарор талабларини ҳисобга олиб, савдо ҳамда спиртли ичимликлар ва пиво сотиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш тартибини бир ҳафта муддат ичида қайта кўриб чиқиши керак.

1998 йил 1 апрелдан бошлаб шаҳар ҳудудида тамаки маҳсулотлари рекламаларини ўрнатиш ва жойлаштириш тақиқланади. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р.М.Шоабдураҳмонов ушбу банднинг бажарилишини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминлаши керак.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.И.Жалилов шаҳар ҳудудида репертуар мазмуни ахлоқий нормаларга мувофиқ келмайдиган ва ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган турли рақс ва мусиқа гуруҳлари, варьете ва шу кабилар фаолиятини бир ой муддат ичида ўрганиб, уларнинг фаолиятини тартибга солиш юзасидан таклифлар киритиши керак.

*Муштарий хабар беради...*

## ҲАМКАСБЛАР ДАВРАСИДА

Мирзо Улуғбек тумани марказий диагностика шифохонасида Наврўз айёми тантанаси бўлиб ўтди. Туман соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда туман марказий диагностика шифохонаси томонидан уюштирилган ушбу байрам дастурхони атрофида туманда фаолият кўрсатаётган барча тиббиёт ходимлари жамулжам бўлишди.

— Янгиланиш, яшариш байрамини барча ҳамкасблар билан биргаликда нишонлаяпмиз, — дейди туман болалар стоматологик поликлиникасининг бош шифокори Рашид Ғофуров. — Бу йилги баҳор, бу йилги Наврўз элу юртимизга тинчлик, омонлик, қут-барака олиб келсин.

Шифо масканидаги тантанага ходимларнинг таваллуд кунлари шодиёнаси ҳам уланиб кетди. Уларга эсдалик совғалари топширилди. Санъаткорлар ўзларининг куй-қўшиқлари билан барчага завқ улашди.

*Назира НАЗАРОВА,*
*хизматчи.*

*...миннатдорчилик билдиради*

## СИДҚИДИЛДАН ХИЗМАТ

Шайхонтоҳур туманидаги 128-алоқа бўлимининг бошлиғи Барнохон Усмонова 1996 йилда Лабзакдаги «Алоқа» коллежини сиртдан ўқиб битирган. Барнохон раҳбарлик қилаётган алоқа бўлимидаги ходимлар «Марказ-13» ва «Марказ-15» мавзеларидаги кўп қаватли уйларда яшаётган зиёли, ишчи, хизматчи, пенсионер, меҳнат ва уруш фахрийларига беминнат хизмат кўрсатмоқдалар. Жумладан, Чернобиль фожиаси қатнашчилари ва кекса жангчиларнинг пенсиялари, икки ярим минг пенсионерларга нафақаларини ўз вақтида уйларига элтиб бериш, бандероль, посилка қабул қилиш, жўнатиш, хатларни эгасига етказиш ва бошқа ишлар ўз вақтида адо этилмоқда.

Бўлимда 4 та хат ва пенсия пулларини тарқатувчи бор. Ишчан Насиба Валитова, сараловчи Собир Розиқов, оператор Гулноза Каримова ва бошқалардан пенсионерлар мамнунлар.

*Абдулла ТОЛИПОВ,*
*меҳнат фахрийси.*

## САВОБЛИ ИШНИНГ БАРАКАСИ

Қорақамиш — 2/5 даҳасининг Зиёмов кўчасидаги «Нуриллахон» хусусий фирмасига қарашли нон дўкони очилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Дастлаб улар кунига 50 та атрофида буханка нон сотишган бўлса, орадан 5 ой ўтар-ўтмас кунлик нон савдоси 20 минг сўмликдан ошди. Дўконга Сағбондаги «Дока-нон» корхонасидан нон маҳсулотлари узлуксиз келиб турибди. Сотувчилар — Дилором Тўлаганова ва Маъмура Саъдуллаева эл хизматида, улар ўзларининг хушмуомалаликлари туфайли ҳамма билан қадрдон бўлиб кетишган.

Барака топгурлар, бевосита кўп қаватли уйлар зич жойлашган майдонда нон дўкони очиб, жуда савобли иш қилишди. Дўконда эртадан то кечгача 17 хил яхши пишган, бўрсилдоқ, хуштаъм нонлар ҳар доим бор. Болалару катталар серқатнов йўлни кесиб ўтмай, шундоққина уй биқинидаги дўкондан нон харид қилишмоқда.

*Рустам ЭРНАЗАРОВ,*
*Қорақамиш — 2/5 даҳасидаги «Шодлик» маҳалласи оқсоқоли.*

*...илҳомланади*

## САЙР АЙЛАГАЛИ

***Сайр айлагали боғ аро, жонона келармиш.***
***Бир даста гули қўлида мастона келармиш.***
***Келтирди сабо муждани иқболига чиқ деб.***
***Гул-гул очилиб чеҳраси хандона келармиш.***
***Лаъли лабининг тавсифини эттали булбул.***
***Пешвозига чиқ, ўргулиб парвона келармиш.***
***Нозик қўлини кўксига қўйганда салом деб.***
***Бошини эгиб ёқуту дурдона келармиш.***
***Кўз мардумида меҳригиё нозу-назокат.***
***Минг бор уялиб, лола юзи ёна келармиш.***
***Сунбул сочини кўкрагининг устига ташлаб,***
***Ишқимга вафо борми деб ҳайрона келармиш.***
***Ким севса агар ёрини Асқар каби дўстлар,***
***Жонини фидо айлагали дилдора келармиш.***

*Асқар ИБРОҲИМОВ,*
*кекса муаллим.*

*...таклиф этади*

## ҚУЛАЙ БЎЛУР ЭДИ

«Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзесида 20 минг атрофида аҳоли истиқомат қилади. Бироқ, шаҳар чеккасида жойлашган мавзе аҳолиси марказга боришда қийинчиликларга дуч келмоқда. Сабаби, шаҳар транспорти бир маромда қатнамайди. Фақат 110-йўналишдаги автобус метронинг «М. Горький» бекатига боради. Бироқ, эрталаб автобуслар жуда тирбанд бўлади.Бунинг устига, кечқурун соат 21 дан кейин жуда сийраклашиб қолади. 6,119, 161-йўналишдаги автобуслар метронинг «Чкалов» бекатига боради. Аммо, бу йўналишлардаги автобуслар ҳам бир маромда қатнамайди.

Бизнингча, мавзе аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш учун Кадишев шоҳбекатига қатновчи 72 ва 148-йўналишдаги автобусларнинг охирги бекатини 6-автобус йўналишининг охирига, яъни Лисунов кўчасининг Оҳангарон кўчасига туташган жойига, «Янгиобод» деҳқон бозорининг қаршисига кўчириш керак. Ана ўшанда автобусларнинг «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзесига яқин жойга бир маромда қатновини таъминлаш мумкин бўлур эди.

*Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ,*
*Олий хўжалик судининг бош маслаҳатчиси.*

*Ибрат*

## СОФ ВА ЧИҚИТСИЗ МАҲСУЛОТ

***ЮНИДО лойиҳасига асосан Чехия тоза маҳсулотлар маркази билан корхонамиз ишчи-хизматчиларини нисбатан экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўқитиш ҳақида, намунавий лойиҳани тадбиқ этиш борасида шартнома тузилди.***

Нисбатан тоза маҳсулотнинг ўзи нима? Бу аввало хом ашё ва энергияни самарали ишлатиш, барча эмиссия ва чиқиндиларни улар ҳосил бўлмасидан бартараф этиш, яъни чиқиндисиз маҳсулот тайёрлаш демакдир. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун сариқ темир оксидли бўёқни танлаб олдик. Чунки унда барча чиқиндилар мужассам бўлади. Ҳавога чиқариладиган чанг ва газли моддалар, оқава сувлар, қаттиқ чиқиндилар ва ҳоказо. Бундан ташқари сариқ ранг сув ва энергия талаб этади.

Лойиҳада аниқ мақсадлар белгиланган: сув сарфини камайтириш, оқава сувларни қайта ишлаш ҳисобига тоза сув иқтисод этиш ҳамда ушбу жараёнда тутиб қолинган зарарли моддаларни бартараф этиш, энергоресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришиш.

Ушбу олижаноб ишни амалга ошириш учун заводимизнинг раҳбар ва мутахассисларидан иборат гуруҳлар тузилди. Раҳбар гуруҳга бош механик, бош энергетик, директорнинг иқтисодиёт бўйича ўринбосари, бош ашёчи, техник ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, завод табиатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи аъзо бўлдилар. Гуруҳга бош муҳандисимиз етакчи қилиб тайинланди. Ишчи гуруҳни темир оксидли сариқ бўёқ цехининг технологи, устаси, смена бошлиқлари, бош энергетикнинг бўлим муҳандислари, конструкторлик, режалаш, атроф-муҳитни муҳофазалаш бўлимларининг мутахассислари ташкил этди.

Тадбирлар режаси техник мажлисда муҳокама этилди, завод бош директори томонидан тасдиқланди. Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишилди.

Нисбатан экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳасида цехнинг иш шароитини мукаммал таҳлил этиш, хом ашё исроф бўлишининг манбаларини аниқлаш кўзда тутилган. Сариқ бўёқ ишлаб чиқариш техник жараёнининг ҳар бир босқичида сарф бўладиган харажатлар баланси тузилди. Оқава сувларни тозаловчи қўшимча фильтр ўрнатилди. Натижада темир оксиди сариқ бўёқ (ТОСБ)нинг зарраларини кўпроқ ушлаб қолиш ва технология қайтариш имкони туғилди.

Шартли равишда тоза деб топилган оқава сувлардан компрессор ва ҳаволи насосларни ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш учун совутиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Бу цехдаги сув сарфини камайтиришга ёрдам беради.

Шунингдек тадбирни амалга оширишда суғориш тармоқларидаги синган, ишдан чиққан бетон ариқларга ҳам ТОСБ зарраларини ушлаб қолиш учун мосламалар ўрнатилиши ҳам назарда тутилган. Ёмғир, жала пайтларида маълумки, канализацияга заҳарли моддалар кўплаб келиб тушади.

Барча тадбирларни ўз кучимиз билан амалга оширамиз. Улар ортиқча сарф-харажатлар талаб этмайди. Лекин экологик ва иқтисодий самарага эришмоғимиз аниқ.

Албатта бу муҳим иш цехнинг барча ишчиларидан, ҳар бир мутахассисдан энг аввало қизиқишни талаб этади. Чунки хом ашё ва энергия сарфлашини камайтириш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришда барча бирдек масъул бўлиши керак.

Демак, 1998 йил лак-бўёқ заводимизда экологик бурилиш йили бўлади.

*Августина ФРОЛОВА,*
*Лак-бўёқ заводи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими йўриқчиси.*



*Халқимиз кўкламни нафақат уйғониш, яшариш даври, балки экин-тикин, хусусан кўчат ўтказиш палласининг бошланиши деб ҳам кутишган. Шунга кўра бугунда бозорларимизда кўчатлар савдоси тобора авж олмоқда.*

«Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ бош санитария врачи ҳокимият вакили ҳисобланиб,унинг кўрсатмалари барча учун мажбурийдир. Маҳаллий давлат органлари жойларда бу хизмат фаолиятига ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқлари лозим. Бу хизмат фаолиятига ҳар қандай тазйиқ ўтказиш Қонун меъёрлари билан ман этилган.

Агар фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан санитария қонун ҳужжатларини бузиш ёки эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш ҳоллари рўй берса, бундай хатти-ҳаракат учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Маълумки, ўтган йилнинг охиридан бошлаб, республикамизнинг баъзи ҳудудларида санитария-эпидемиологик вазият кескинлашиб, муайян юқумли касалликлар хуружи кўпайди. Шу муносабат билан Президентимиз томонидан чиқарилган «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармон ўта долзарб ва муҳимдир.

Санитария-эпидемиология вазиятининг шу пайтгача бўлган аҳволи — шу масалага бўлган муносабат оқибати эди.

*Покизалик*

## БАРЧА УЧУН МАЖБУРИЙ

Хусусан, Ўзбекистон маъмурий жавобгарлик кодексининг 53-моддасига кўра санитария қонун ҳужжатларини, санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўларди. Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган, бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган қоидаларни бузганлик учун (54-модда) фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — 2 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўларди.

Шу боис, Президент Фармонида белгиланган чора-тадбирлар, санитария-эпидемиологияга оид қоидаларни бузганлиги учун жавобгарликнинг кучайтирилиши айни муддао бўлди.

Маълумки, санитария-эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириб туриш қатор ташкилий, молиявий чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Шу боис ушбу масалада ҳокимларнинг шахсий жавобгарлиги белгиланганлиги анча самара бериши шубҳасиздир.

Бу соҳадаги ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси баландлигини эътиборга олиб Фармонда, бундай хатти-ҳаракат учун жиноий жавобгарлик масаласини белгилаш кўрсатилган. Ҳақиқатан ҳам бу масалада фақат жарималар солиш йўли билан тартибга эришиш мушкулдир. Шу боис, маъмурий жавобгарлик ҳам кучайтирилган, яъни Ўзбекистон Республикаси МЖКнинг 53-54-моддаларининг жазо чоралари кучайтирилган.

Айни пайтда Фармон барча санитария назорати учун масъул идоралар олдига аниқ вазифалар қўйди.

*Мавлуда АҲМАДШОЕВА,*
*Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги ҳуқуқий маърифат-тарғибот Маркази ходими, юридик фанлари номзоди.*

## МУШТАРИЙ — "ОҚШОМ" — МУШТАРИЙ

*Садоқат*

## ВАФО ҚЎРҒОНИ

***«Чиройли товус ўз парларини эҳтиёт қилади, садоқатли қалб эса ўз муҳаббатини», деган хитой мақоли бор.***
***Ўз муҳаббатининг бетакрор кунларини хотирида сақлаб, йиллар давомида эъзозлаб, «вафо қўрғонини» қура олган захматкаш бир аёл ҳақида ҳикоя қилмоқни анчадан буён дилимга тугиб қўйган эдим...***

Азал-азалдан қон-қонимизга сингиб кетган яхши удумларимиз бор. Ёши улуғларимизни зиёрат қилиб, улар дуоларини олиш жуда хайрли саналади. Ўтган йилларда шу кунлари ҳам сиздек муқаддас аёлнинг дилкаш, ширинсухан суҳбатидан баҳра олиб, дуосига сазовор бўлмоқ учун қанчадан-қанча яқин-йироқлардан йўқлашган эди...

Кейин эса кўчангизни тўлдириб, сизни сўнгги манзилга элтаётганлар қўлдан-қўлга тебраниб ўтаётган тобутингизни етти қадамгина бўлса ҳам елкасида кўтаришга интилаётган одамларни кўриб ҳайратга тушдим.

Одатда дунёдан эрта кўз юмганларнинг тобути сўнгги манзилга чайқалиб-чайқалиб боради, дейдилар, чунки бу тебраниш ҳали ҳаётга тўймаган, орзу-умидлари куртак очаётган пайтда умр баҳори сўлганидан надомат белгиси бўлар экан.

Сиз 70 йилга яқин умр кўрдингиз, шу қадар куюнчак эдингиз-ки, ҳатто сўнгги йўлга ҳам хотиржам кета олмадингиз. Назаримда келинчак пайтингизда жангга жўнаб, бедарак кетган жуфти ҳалолингиз илинжида 50 йилдирки интизор бўлган армонларингиз ила тебраниб бормоқдасиз... «Танингда жонинг бор экан — умид қил» деган донишмандларнинг сўзларини эслайман...

***Умид ила ёруғ бўлди хаёллар,***
***Тоғлар туман, сўқмоқ йўллар***
***тумандир***

***Қумғондаги сувдек қайнар***
***саволлар,***
***Кетма, ишонч, шум***
***хабарлар гумондир...***

Сиз арслон келбатли жуфти ҳалолингиздан эндигина муҳаббатининг нишонасидан дарак бериб севинчи олган кунларингиз саратонда қор ёққандек, «уруш» номли шум хабар шодликларингизга соя солди.

«Отаси урушга кетганида Асатуллам ҳали туғилмаган эди. Ота-бола кўришишларини жудаям хоҳлардим...» — Бу сизнинг умр бўйи худойимдан сўраган тилагингиз эди.

***Уруш борар, тўхтамайди***
***беланчак,***
***Хушхабардан титрар***
***буғдойпоялар***
***Ўғил туғиб ийманарми келинчак***
***Суюнчига югурарлар доялар...***

Суюнчи бу битта зоғора нонми, бир ҳовуч майизми ёки бир коса ёвғон хўрда. Мавжуда келин учун қариндош-уруғ, маҳалла-кўй ўша пайтлар жон қадар бўлган бу нарсаларни аямайди.

Жанггоҳларда ажал билан олишаётган ёрингизга шодланиб мактублар битдингиз. Сизни янада кўнглингизни кўтаргувчи, ўтли, муҳаббатли мактублар олдингиз. Ва яна йиллар давомида ана шу дилномалари далдаси ила яшадингиз. Лекин унинг отасидан на хат ва на хабар бўлди.

Одамлар эса билиб-билмай турмуш қуришни таклиф қилганларида: «Ўзлари ҳали келадилар...» деган қатъий сўзингизда собит Муқаддас аёл бўлиб қолдингиз.

Ёлғиз ўғлингиз — Асатулло ака Раҳматхўжаев Юнусобод туманининг Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалигидаги қўли гул усталардан бўлиб етишдилар. 6 нафар набирангиз, бир қанча эвараларингиз Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалигидаги хонадонингиз — вафо қўрғонингизда чироғингизни ёқиб ўтиришибди.

Илоҳим, сиздайин бокира аёллар авлоди бардавом бўлсин. Ушбу кунларда руҳингизни тавоф айлаб, вафоли муҳаббатингизни баҳоли қудрат қаламга олгим келди... Ва ушбу мисралар сиз учун ёзилган:

***Ҳой, ҳой ўлан, юртга***
***қадрдон бўлган***
***Юзи ойдек тўлинларинг ўлмасин,***
***Эл-улусда иймон бўлган,***
***шон бўлган,***
***Садоқатли келинларинг***
***ўлмасин...***

*Саида ЗОКИРОВА,*
*журналист*



*Мирзо Улуғбек туманидаги қўшимча таълим мажмуасидаги амалий санъат бўлимида ёш авлодга зардўзлик ва тикиш бўйича ҳунарлар ўргатилмоқда. Уни шу соҳанинг мутахассиси Насиба Умарова амалга ошираётир.*

*СУРАТДА: Насиба Умарова шогирди билан.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Маслаҳатлар*

## ТУРМУШДА АСҚОТАДИ

*Кийим-кечакларни кир машинасида ювишдан аввал тугмаларини қадаб, тескари ўгирасиз. Шунда тугмалар бевақт узилиб кетмайди.*

* * *

*Агар мой идишни шўр сувда хўлланган сочиққа ўраб қўйсангиз, сариёғ иссиқ кунда ҳам эримайди.*

* * *

*Агар доимо тетик юришни ва яшаришни истасангиз, французларнинг ушбу маслаҳатига амал қилинг: кўп овқат еманг, ичманг, чекишга берилманг, телевизор қаршисида кўп ўтирманг, миш-мишларга эътибор берманг, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзингизни тута билинг.*

* * *

*Кийимнинг ранги мустаҳкамлигини билмоқчи бўлсангиз, бир парчасини совунли иссиқ сувга 10 дақиқа солиб қўйинг. Сўнгра чайиб, 20 дақиқа давомида совуқ сувга солинг. Агар сувга бўёқ чиқмаса, кийимни хавотирсиз ювишингиз мумкин.*

*Дилноза АСҲАТОВА*
*тайёрлади.*

*Яшил дорихона*

## ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР

***Барча фаслнинг ўзига хос хислат ва хусусиятлари бўлгани каби уларда фақатгина айнан шу биргина фаслгагина тааллуқли бўлган шифобахш гиёҳлар ўсади. Жумладан, ровоч, ялпиз ҳамда баҳорги буғдойни ана шундай гиёҳлар сирасига киритиш мумкин.***

• РОВОЧ кўп йиллик, бўйи ўттиз — юз сантиметргача етадиган ўт ўсимлик. У апрель, май ойларида гуллайди ва меваси пишади. Ровоч турларининг меваси пишганидан кейин йиғиб олинади. Илдизи эса тўкилиб кетганидан сўнг кузда қазиб олиниб, сувда тозаланади ва майда қилиб қирқиб, очиқ ҳавода қуритилади. Абу Али ибн Сино ровоч ўсимлиги билан чечак, вабо, қизамиқ каби касалликларни даволаган. Шунингдек ровоч илдизини ичак, буйрак, қовуқ, бачадон оғриқларини қолдирувчи, қон кетишини ва овқат ҳазмининг бузилиши натижасида ич кетишини тўхтатувчи дори сифатида ишлатган.

Халқ табобатида ровоч илдизи ва мевасидан тайёрланган қайнатма иситма чиққанда, меъда-ичак касалликларини даволашда қўлланилади. Ровоч илдизининг сутда қайнатиб тайёрланган қайнатмаси меъда-ичак ва юрак касалликларида яхши наф беради. Илмий тиббиётда ровоч турлари илдизидан тайёрланган қайнатма ва мевасидан тайёрланган қайнатмани ич кетиш касалликларини даволаш учун ишлатиш тавсия этилган.

• ЯЛПИЗ лабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. Ялпизнинг тури кўп бўлиб, барчаси тиббиётда қўлланилади. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида ариқ бўйларида ва бошқа жойларда эрта баҳордан ўсади. Унинг таркибида эфир мойлари (ментол, ментон, пинен ва бошқалар), органик кислоталар, глюкоза, рутин, витамин С ва бошқа фойдали моддалар бор. Абу Али ибн Сино ялпиздан ичак оғриқларини даволашда, овқат ҳазм қилишни яхшиловчи, қон тўхтатувчи ва қайт қилишни қолдирувчи восита сифатида фойдаланган. Ялпиз бавосир, ширинча, рахит касалликларини даволашда яхши наф беради. Халқ табобатида ялпизнинг ер усти қисмидан тайёрланган қайнатма тиш оғриғи, милк яллиғланишини даволашда ишлатилади. Ялпиздан кўк чучвара ва сомсалар тайёрланади. Кимки сариқ касаллигига чалинган бўлса ялпиз истеъмол қилса яхши наф беради.

*Назокат НУРМАТОВА.*

**Осмон сахий баҳор селидан ювиб таралган мусаффо ва гўзал. Оламнинг у чеккасидан бу чеккасига қадар чўзилиб, дунёдаги жамики нафис бўёқларни ўзида товлантириб осмону фалакда камалак тортилган. Бепоён зумрад осмон, товланиб турган камалак, кўм-кўк либосини кийган далалар киши қалбига адоқсиз завқ-шавқ бағишлайди. Майсалар орасидан жимир-жимир оқаётган сув дошқозон атрофидагиларга қандайдир ҳузур бағишларди. Мана шундай роҳатбахш дамларда юртда сумалак сайли бошланди.**

Наврўз

# СУМАЛАК

(Бадиа)



Тўйқозон гирдида аёллар гурунги авжида. Эртак-эртакка, топишмоқ-топишмоққа уланди. Тун оғди. Сутдек ойдин оқшомда дилларни яшнатувчи оҳанг тарала бошлади:

*Баҳорнинг сен элчиси,*
*Яхшиликнинг белгиси,*
*Наврўзнинг сен синглиси,*
*Сумалакжон, сумалак.*

Ҳамманинг қалбида қувонч, чеҳраларда кулги. Сумалак базми қизигандан-да қизиб қиз-жувонлар сафи кенгайиб, қўшиқ-қўшиқларга уланди:

*Дошқозонда сумалак,*
*Кавламаган армонда.*
*Бир-бирининг кўнглини*
*Овламаган армонда,*
*Сумалакжон, сумалак,*

Дилни қитиқловчи дилкаш, малоҳатли, дилбар ва ҳаловатбахш туйғулар. Покиза юракнинг туб-тубидан сизиб чиқаётган оҳанглар даврадагилар кўнглини яшнатарди. Куйловчи соҳибжамол ёниб-ёниб эҳтирос ила қўшиқ айтар, ҳусну жамолда тенгсиз, нафосат оламининг қуёшидан порлаб турарди. Унинг юзига қараганнинг кўзи қамашар, ақли-ҳуши шошар эди. Бошига ташлаб олган қизил гулли рўмоли гоҳ-гоҳида шамолда липиллаб гул юзини силаб ўтарди. Қозон бошида ўтирган момолар «илоё кўкламдек кўркамликни ўзинг паноҳингда асра» дея пичирлашар ва гўё унинг рўмолидан илҳом олгандай қалб кўтаринкилигини қўшиққа солардилар:

*Қиз боланинг рўмоли,*
*Қип-қизил гулли шойи,*
*Билсангиз, сумалакжон,*
*Барча овқатнинг бойи,*
*Сумалакжон, сумалак.*

Момолар яйраб-яйраб қозонни кавлар, сочларига бойчечак таққан қизлар қўшиқ куйлаб даврага кўтаринкилик бағишларди. Қўшиқлар ранг-баранг, баъзан сумалак, унинг тарихи, анъана, расм-русумлар ҳам туйғуларга йўғрилади:

*Узоқ осмону фалак,*
*Қаерда ўттиз малак?*
*Солмасанг тез-тез намак,*
*Қачон пишур сумалак?*

Айтадиларки, тонгга яқин сумалак кавлаётганларни уйқу элтиб, улар пинакка кетган пайтда осмону фалакдан учиб келган ўттиз фаришта сумалакни кавлар ва қозонга туз ташлаб кетишар эканлар. Сумалак тузсиз таомлигининг боиси ҳам шундан. Юқоридаги туйғулар ана шу афсонага алоқадорликда юзага келган.

Сумалак сайлини болаларсиз, уларнинг шўх-шодонликларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бола қалбининг туйғулари. Ўйинлар, катталар билан муносабатлар, ҳаётни англай бориш шавқу завқлари мурғак қалблардаги тебранишларни ранг-баранг оҳангларда товлантириб, болаларнинг ўзларини ҳам қўшиқчига айлантириб қўйган. Адоқсиз туйғулар, ҳазилу мутойибалар, топишмоғу эртаклар оғушида ҳеч ким тун ўтганини ҳам сезмай қолди.

Тун ёришиб, ёруғлик султони — қуёш лашкарини тортиб келди. Оламга қуёшнинг заррин нурлари ёғила бошлади. Дошқозонда дам тортган сумалакнинг ёқимли ҳиди димоқларга урила бошлади. Зеро, сўз таомлар шоҳи сумалак хусусида.

Жуда қадим даврлардан буён халқимиз эътиқод қилиб келаётган шодиёналардан бири НАВРЎЗдир. Наврўзни сумалаксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ота-бувиларимиз сумалакни жамиятнинг барҳаётлигини ифодаловчи рамзий таом ҳисоблаганлар. Агар кексалар билан суҳбатлашсангиз «ҳафтада бир, ойда бир, йилда бир» деган нақлни эшитасиз. Бунинг маъноси шундай, яъни ҳафтада бир маротаба яхшилаб ҳордиқ чиқариб, йилда бир сумалакка тўйган одам сира касалга чалинмайди, деганидир. Аждодларимиз сумалакни илоҳий таом деб билганлар. Бу муборак неъматнинг бир томчисини увол қилиш, сотиш энг оғир гуноҳ саналган.

Сумалак пишираётганда фарзанд кутаётган ёки бефарзандларга буғдой майсаси берилади, улар майсани яхши ният билан зираги ёки қулоқларига тақиб қўядилар. Бу билан келаётган Янги йилда фарзандли бўлишни орзу қиладилар. Сумалак пишириладиган куни ҳамма оҳорли (янги) кийим кийганлар. Имкони йўқлар эса жимжилоғига тоза мато бўлагини боғлаб олганлар. Эл сумалакни пок ният ила тайёрлаган. Сумалакка кайвонилик қилувчи ғоят покиза аёл бўлмоғи лозим бўлган.

Сумалакнинг юзага келиши ҳам қадимийдир. Бизгача етиб келган қатор қўлёзма, тарихий, илмий асарлар бу фикрни далиллайди. Мана Умар Ҳайёмдан бир қайд:

«Аёллар фарвардин (ҳамал) ойида фарзандларига яхши орзу-истаклар билан АРПАНИ ҳўллаб сепиб қўядилар. Демак, юртимизда сумалак тайёрлаш қадимдан мавжудлиги ва айни чоғда у арпадан ҳам тайёрланганлигини англаш мумкин. Агар биз Умар Ҳайём қолдирган маълумотларга асослансак, сумалак тарихи милоднинг биринчи минг йиллигига бориб тақалади. Абу Райҳон, ал-Беруний ҳам Наврўз, хусусан, сумалак ҳақида қимматли маълумотлар баён қилган.

Туркий халқларнинг улкан олими Маҳмуд Қошғарий «Девону луғатит турк» асарида «Сума ивитилган буғдой номи. У қуритиб туйилади. Сўнг ундан угра ош ва нон қилинади. Шарбат учун қилинган, ундирилган арпага нисбатан ҳам бу сўз қўлланилади», дея қайд қилади. Хусайн ал-Оқилий (XVIII аср охири) форс тилида ёзган «Махзан ал адвия» («Даволар ҳазинаси») китобида бу хуштаъм таом тўғрисида қуйидагича сўз юритади: «Саману» — «наида»нинг форсча номидир. «Наида» мисрликлар сўзи, форс тилида уни «саману бавво» ёки «самани бўё» дейишади. Кўпгина мамлакатларда севимли ва машҳур таомлардан ҳисобланади. Ширин ва лаззатли. Уни тайёрлаш қуйидагича: аввало яхши буғдой донлари тозалаб олинади, сўнг сувда ивитилади, тахтага ёки бошқа нарсалар устига уч-тўрт энли қалинликда ёйиб чиқилади. Буғдой кўклаб униб чиққунча ҳар куни сув сепиб турилади. Тўрт-беш энли ўсгач, майсани ўриб, эзиб, суви олинади. Сўнгра бу суюқликни қозонга қуйиб, кучсиз оловда қайнатилади, гоҳ-гоҳ муз парчаси ташлаб турилади. Кўриниб турибдики, XVIII асрда ҳам сумалак пишириш худди бугунгидек бўлган. Лекин ҳозир майса суви эланган ун билан аралаштириб қозонда хомлик таъми кетгунча узоқ вақт бир маромда қайнатилади.

Сумалак қадимда кўпчиликнинг иштирокида тайёрланган. Сумалак баҳона катта базм шодиёнаси ташкил этилган. Сумалак сайли билан алоқадор бўлган «Ашшадорзи» ўйинининг қайта тикланиши (Тўра Қиличев) сумалак қадим даврлардан ўта тантанавор руҳда тайёрланганлигини исботлайди. Умуман нодир қўлёзма, илмий манбаларда бу илоҳий таомнинг қадимийлигини кўрсатувчи талай далиллар мавжуд. Ҳа, сумалак сайли халқимизда маърифий-маънавий дунёсининг кўзгуси, ўзига хос тарбия мактаби ҳамдир.

*Муҳаммаджон АҲМЕДОВ.*

Ғазалхонлик

## ГУЛ

*Гўзал Тошкентнинг бағрин*
*безар раста-раста гул,*
*Гуллар гоҳида якка, гоҳида пайваста гул.*
*Ёнидан ўтувчилар тўхтаб томоша қилур,*
*Бири биридан сара турфа хил ораста гул.*
*Таралган ёқимли ҳид урилади димоққа,*
*Кишилар кўнглин айлар ўзига вобаста гул.*
*Ўзишни хоҳлаганлар меҳнат қадрига етиб.*
*Шошилмасдан оралаб, теришади аста гул.*
*Тўра, юртимда гул кўп, ошиқ*
*бўлган йигитлар*
*Учрашувга бориш-чун тайёрлайди даста гул.*

## САМИМИЙЛИК

*Самимийлик жойда адолат бор, инсоф бор,*
*Инсоф бўлса барака, виждон,*
*иймон барқарор,*
*Самимийлик — зўр фазилат,*
*уни севади барча,*
*Ундан ишонч пайдо бўлар,*
*ҳеч ким кўрмайди озор.*
*Самимийлик одамларни яхшиликка ундагай,*
*Фисқу фасодни йўқ айлар, қолмас*
*қалбларда ғубор.*
*Эзгуликка йўл бошлар, гулгун*
*қилур чеҳрани,*
*Ҳар кимга хуш ёққан гулни*
*пайдо қилувчи гулзор.*
*Тўра, омад кулиб*
*боқар самимийлик бор жойда,*
*У бахт — иқбол сабабчиси,*
*ундан кўнгиллар баҳор.*

## ИНСОН БЎЛ

*Чин инсон бўл, ярамас ишга ботирлик этма,*
*Ақлинг измидан чиқма, шайтон йўлига кетма.*
*Бобур каби одил бўл, ҳасад қилма яхшига,*
*Сохта қилма тарихни, ёлғон-яшиқни битма.*
*Гердайишлик — пасткашлик, умр сўнгини ўйла,*
*Чақимчилар даврасин яқинидан ҳам ўтма.*
*Ота-она, дўстларга, кексага меҳрли бўл,*
*Таълим берган устозни, қариндошни унутма.*

*Тўра ЖУМАН.*



*Шаҳримиздаги 216-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Муҳаббат Жўраева 12 йилдан буён ёш авлодга сабоқ бериб келаётир. Олий тоифали бу муаллим икки фарзандни тарбияламоқда.*

*СУРАТДА: Муҳаббат Жўраева ўғли Баҳодир билан.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

**Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар жараёнини одамлар онгида, руҳиятида рўй бераётган ўзгаришларни намоён этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ташкил этилган эди.**

**Ўтган қисқа давр мобайнида ижодий уюшма томонидан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Шаҳримизнинг марказий ва гавжум кўчаларида замонавий услубларда ишланган фото ва тасвирий, безакли рекламалар кун сайин кўпайиб бормоқда.**

«Тасвирий ойина»

# МАЪНАВИЯТ МАЁҚЛАРИ

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг Тошкент шаҳар бўлими ташкил этилди. Мухбиримиз ижодий уюшма шаҳар бўлимининг масъул котиби Маргарита ФУЗУЛОВА билан суҳбатда бўлди.

**— Дастлаб, ижодий уюшма шаҳар бўлими фаолиятининг асосий вазифалари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Маданий турмуш тарзининг асосий хусусияти ахборот тизимининг бойлиги билан белгиланади. Одамлар гавжумлашгани, яъни шаҳарлашув жараёни тараққий этгани сайин кишилар диққат-эътибори узлуксиз банд бўлиб туриш эҳтиёжи ортади. Бундай жойда ахборот қанчалик кўп бўлса, шунчалик яхши бўлади.

Агар эътибор берган бўлсангиз, кейинги пайтда шаҳримиз кўчаларида безакли рекламалар кўпайгани яққол сезилади. Уларнинг асосий хусусияти шундан иборатки, у фақат иқтисодий-сиёсий, ижтимоий ҳодиса бўлиб қолмасдан, миллий урф-одатларимизни тарғиб қилиш, ҳар бир кишида ўз юртига бўлган фахрланиш туйғусини уйғотади, иймон-эътиқод, Ватанга ва миллатга бўлган садоқат тушунчаларини шакллантиради.

Бўлимимиз ўз фаолиятини шаҳар ва туман ҳокимликлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилот ва тижорат корхоналари билан тузилган шартнома ва буюртмалар асосида олиб боради. Туманларда ҳам «Тасвирий ойина» ижтимоий-сиёсий, ташвиқот-тарғибот марказлари ташкил этилди.

Асосий мақсадимиз аҳоли гавжум истиқомат қиладиган жойларда республикамизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик йўлида олиб борилаётган ишлар, янгиланиш ва бунёдкорлик ишларининг асл ижодкори замондошларимиз қиёфасини жозибали акс эттирадиган кўргазмалар ташкил қилиш. Шунингдек, истиқлолимизни мустаҳкамлаш ва эркин ҳаёт қуришни таъминлаш йўлида халқимизнинг фидокорона меҳнатларини акс эттирадиган, она Ватанга меҳр-муҳаббат ва маънавий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган шиорлар, плакатлар, паннолар, электрон замонавий чироқлар ҳамда бошқа тасвирий воситалар билан безатиш, майдон, хиёбон ва бошқа жойларда лавҳалар ўрнатиш орқали биз ўзимизнинг эзгу ниятларимизни амалга оширамиз.

**— Бу ишларни амалга оширишда ҳамкорлик муносабатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Меъморчилик ва шаҳарсозлик бош бошқармаси, шунингдек, туман ҳокимликлари бўлимимизнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида уюшма билан келишган ҳолда буюртмачиларга асосан кўргазмалар ташкил этишимиз учун жой ва уларни жиҳозлаш, дизайн ҳамда бошқа зарурий ашёлар билан таъминлайдилар. Шунингдек, ободонлаштириш бош бошқармаси шаҳар ҳудудида бўлган 3 та манзилда «Тасвирий ойина» ижтимоий-сиёсий, ташвиқот-тарғибот марказларини лойиҳалаштириш ва уларни барпо этиш бўйича «Буюртмачи» этиб белгиланган бўлса, Молия бош бошқармаси ушбу марказларни лойиҳалаштириш ва барпо этиш учун тегишли сарф- харажатларни ажратиб беради.

Санъатшунослар, рассомлар, дизайнчилар ва меъморлар билан ҳамкорликни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки, юксак дид билан ишланган шиорлар, плакатлар, фотоойналарнинг, кўргазмали воситаларнинг ўз жойини топиб қўйишда уларнинг билим ва тажрибалари жуда-жуда асқотади.

Ободонлаштириш бош бошқармаси ҳузуридаги «Безаш» комбинати, «Ижодиёт» устахонаси, «Тошшаҳарнури» бирлашмасининг «Публикалор» хизмати, шаҳар халқаро бизнес марказининг «Рекламасервис» хизмати билан Тошкент шаҳрини тасвирий-бадиий ахборот ва реклама билан безаш мақсадида яқин ҳамкорликда иш олиб борамиз.

**— Плакатлар ва шиорлар чиқараётганда асосан нималарга эътибор берилади?**

— Аввало миллий хусусият, маҳаллий қизиқиш доираси, умумий савия, касб-кор ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда иш юритамиз.

**— Ижодий уюшма тасарруфидаги корхоналар учун қандай қулайликлар яратилган?**

— Бўлимимиз ва мазкур ижодий уюшма тасарруфидаги корхоналар амалдаги қонунларга асосан Тошкент шаҳар ҳокимлиги имтиёз бериш ҳуқуқига эга бўлган маҳаллий солиқлар ва йиғинларни тўлашдан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида тасдиқлаш шарти билан беш йил муддатга озод этиладилар.

**— Яна бир савол: 1998 йил юртимизда Оила йили деб эълон қилинди. Юртимиз халқ хўжалигида эришилаётган ютуқлар, унинг мустақиллик борасида амалга ошираётган ишлари талайгина. Эндиликда ҳар бир кўргазмали фото, тасвирий санъат сирларида шу куннинг нафаси уфуриб туриши лозим...**

— Албатта. Оила йилида Ватан фаровонлиги ва тинчлиги йўлида ўрнак бўлиб келаётган намунали оилаларни кенг тарғиб қилиш, маънавий қадриятларга эҳтиром руҳидаги миллий ўзбекона турмушимизни тасвирий суратлар билан безаш бизнинг ушбу Оила йилидаги асосий ишларимиздан биридир.

*Маъмура РЎЗИЕВА ёзиб олди.*

**Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастурда талаба-ёшларнинг касб-малакалари юқори, умумий билимлари ва дунёқараши кенг ва чуқур бўлиши билан биргаликда, улар шахс сифатида ҳам камол топган, маънавий-ахлоқий сифатлари тўла шаклланган инсонлар бўлиб етишиши кераклиги асосий вазифалардан бири сифатида таъкидлаб ўтилган. Бу вазифаларни амалга оширишда «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусида қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга.**

«Ўзбекистон — Ватаним маним»

# ЁШЛАР КУЙЛАЙДИ

Шу боис Тошкент кимё-технология институти бундай маданий тадбирни кўнгилдагидек тайёрлаш ва ўтказиш учун олий ўқув юртлари орасида биринчилардан бўлиб иш бошлади. Республика таълим марказининг залида институт факультетлари бўйича ўтказилган танлов ғолибларининг якуний чиқишлари ўтказилди.

Кўрик-танлов иштирокчиларини институт ректори, академик Н. А. Парпиев табриклади. Факультетлар бўйича ғолиб чиққан талаба ёшлар Ватанга муҳаббат, мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини ифодаловчи янги замонавий куй ва қўшиқ, шеърларни истеъдод ва илҳом билан ижро этишди.

Кўрик-танловнинг яна бир қувончли томони шундаки, талаба-ёшлар билан саҳнада институт профессор-ўқитувчилари ва ходимлари ҳам биргаликда фаол иштирок этдилар.

Танловда қатнашган институтнинг 4-курсида таҳсил олувчи қорақалпоғистонлик қизларнинг рақс дастаси, Д. Тўраев, Ф. Соатов ва бошқа ғолиблар махсус эсдалик совғалари, пул мукофотлари ва дипломлар билан тақдирланадиган бўлди.

Танлов ғолиблари Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий ўқув юртлариаро ўтказиладиган танловга қизғин тайёргарликни бошлаб юборишди.

*Шавкат НУРУЛЛАЕВ,*
*Тошкент кимё-технология институти декани.*

Наср

# ШУКРИЯ

(Воқеий ҳикоя)

Кечки пайт кўча эшигимиз қўнғироғи жиринглаб қолди. Эшикни очсам, эски қадрдонларимиз Баҳодиржон ва Зуҳрахонлар жилмайиб туришарди.

— Э, келинглар, қани ичкарига марҳамат!

— Йўқ-йўқ, шу ердан қайтамиз, шошилиб турибмиз!

— Ҳа, нима гап, тинчликми?

— Тўйга айтиб келдик! Шукриянгизни узатаяпмиз! Буёғига энди ўзинглар бош бўласизлар.

—Ие, муборак бўлсин! Дарров узатадиган ҳам бўлиб қолдими?

— Ҳа, нимасини айтасиз. Қиз бола дарров кўзга кўриниб қоларкан. «Жойи чиқса текинга бер», дейишади-ку!

— Жуда яхши қилибсизлар! Ишқилиб, қўшгани билан қўша қарисин, ўзидан кўпайсин!

— Айтганингиз келсин.

...Бундан йигирма йил бурун бўлиб ўтган бир воқеа хаёлимга келди. Ўшанда оилам билан хорижий мамлакатда хизмат сафарида эдим. Бир куни госпиталимиз бўйича навбатчиликда эдим, ярим кечада туғруқхона бўлими ҳамшираси қўнғироқ қилиб қолди:

— Дўхтир, бизнинг бўлимга бир келиб кетсангиз.

— Тинчликми?

— Уч кун аввал бўшанган бир аёл ухламай, нуқул йиғлагани йиғлаган.

— Боласи қалай, боласи? Саломатлиги яхшими?

— Чақалоқ дуркунгина, юзи ойдай, кўзи мунчоқдай, ўзи тиқмачоқдай... Фақат онаси...

Мен дарров туғруқхона бўлимига бориб, ҳамширадан бўлимдаги умумий аҳволни суриштирдим-да, янги бўшанган аёлнинг ҳужжатлари билан танишдим: Худойбердиева Зуҳра, 1946 йилда туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳридан, учинчи туғиши. Эри ҳарбий хизматчи»... Беихтиёр юрагим ўз-ўзидан ҳовриқиб, кўнглим алланечук завққа тўлди. Сабаби, она диёримиздан анча олисда, Ватан соғинчи ва мусофирчилик изтироблари билан тўлиб-тошиб, дардимизни ичимизга ютиб юрганимизда тасодифан бу ҳамшаҳримиз билан учрашувимиз, қолаверса, ўзбек миллатининг яна бир қизалоқ билан кўпайганидан беҳад хурсандлигим эди. Ҳарқалай, ўзимни дарров қўлга олиб, худди туғишган азиз жигарим, опам ёки синглимни топгандай севиниб, аёл ётган хонага кирдим. Хона тўридаги оқ чойшабли ўриндиқда бодом қовоқлари бироз керкиб, кўз жияклари қизарган, зулукдай тим қора сочлари бетартиб ёйилиб, юз-кўзларига тушган, йигирма беш ёшлардаги аёл хомуш ўтирарди. У мени кўриши биланоқ ўрнидан қўзғалди.

— Ассалому алайкум, ҳамшаҳар! — дедим унинг қаршисидаги ўриндиққа ўлтирар эканман. — Қалай, яхшимисиз? Янги меҳмон — қизалоқ муборак бўлсин!

Кутилмаганда менинг соф ўзбек тилидаги муомаламдан суҳбатдошимнинг юз-кўзлари бирдан ёришиб, худди офтоб чиққанида ёмғир ёққанидай ўзини тўхтата олмай, ҳўнграб йиғлай бошлади.

— Ўзингизни тутинг, синглим. Мен шу ерда хизмат қиламан, ҳамшаҳрингизман, — дедим уни овутишга ҳаракат қилиб. — Нега йиғлаяпсиз? Бирор еringиз оғрияптими? Ёки камчилик борми?

— Ҳеч қаерим оғриётгани йўқ. Камчилик ҳам йўқ, раҳмат! Ҳаммаси яхши. Фақат ич-ичимдан хўрсиниқ келиб, йиғлагим келаяпти, холос.

— Нимага?

— Адасининг айтганлари бўлмади.

— Адаси нима деган эдилар?

— Агар бу сафар ҳам қиз туғсанг, шу ерларда қолиб кетасан, олиб кетгани келмайман, деган эдилар. Мана, уч кундан бери дараклари йўқ.

Аёл шундай деб аввалгидан баттар ҳўнграб, елкаларини силкитиб йиғлай бошлади. Ҳамюртимизни бироз тинчлантириб, ўша заҳотиёқ унинг турмуш ўртоғи хизмат қилаётган ҳарбий бўлинма командири номига телефон орқали шошилинчнома юбордим. Худойбердиевнинг тезлик билан госпиталга етиб келиши ва менга учрашиши ҳақида топшириқ берилди. «Айтилган сўз — отилган ўқ». Эртасига пешинга яқин узоқ гарнизонда хизмат қилаётган озғингина, қорачадан келган ўзбек йигити қаршимда ғоздай тик туриб, ўнг қўлини чеккасига яқинлаштирди:

— Катта лейтенант Худойбердиев топшириғингизга биноан ҳузурингизга келди!

Биз хизмат юзасидан расмий танишдик. Унинг айтишича, у хизмат қилаётган бўлинма айни шу кунларда далада катта жанговар синовдан ўтаётгани учун ҳам иккита ёш қизалоғини қўшниларга, хотинини эса туғруқхонага қолдириб кетган экан.

— Ярим кечада шошилинчнома бориши билан командиримиз мени дала машқларидан озод қилиб, бу ерга юборди, — деди у хавотирли кўзларини менга тикиб, — тинчликми, дўхтир?

— Хотинингизни кўрдингизми?

— Йўқ.

— Ҳалигача ундан хабар олмадингизми?

— Мен тўғри сизнинг олдингизга келдим.

— Э, юрагингизга балли! Боринг, аввал хотинингиздан хабар олинг! Кейин яна менинг ҳузуримга келасиз!

Орадан ярим соат вақт ўтар-ўтмас Худойбердиев оғзи қулоғида, аммо ҳамон хавотирда ёш боладай бош эгиб турарди. Афтидан, у гапнинг нимада эканлигини тушуниб, номаъқул ҳазили учун афсусланаётганди. Биз энди расмиятчиликни бир чеккага йиғиштириб, юртдош, ҳамшаҳарлардек сўзлашардик.

— Нега келинни бу ерга келтириб, унга далда бериш ўрнига кераксиз дўқ-дағдаға, пўписа қилдингиз?

— Нима дебман?

— Яна қиз туғсанг, шу ерда қолиб кетасан, олиб кетгани келмайман дебсиз-ку!

— Эй, ҳазил эди, — йигит ўнғайсизланди. — Очиғини сизга айтсам, ака, негадир туғилажак фарзандимиз ўғил бўлса исмини Шукуржон қўяман деб ният қилган эдим.

— Энди Шукрияхон деб қўясиз-да!

— Айни муддао!

Икки ҳамшаҳар бир-биримизнинг қўлимизни самимий қисдик, Шукрияхонга эзгу ниятларимизни тиладик...

...«Яхши ният — ярим давлат» дейишганидек, мана шу кунларга ҳам етиб келдик. Бунисига ҳам шукр. Айтмоқчи, Баҳодиржон билан Зуҳрахонлар Шукрияхондан кейин қўш ўғил — Ҳасан-Ҳусан кўришди.

*Искандар РАҲМОН.*

Танловлар

# «ҲАМШИРА — 98»

**Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 44-оилавий шифохонада «Ҳамшира — 98» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ушбу анжуман шифохона ходимларининг ўзлари хизмат қилаётган аҳоли олдидаги муносиб ҳисоботи сифатида тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.**

Кўрик-танловда халққа сидқидилдан хизмат кўрсатаётган фидойи ҳамшираларимизнинг ўз иш фаолиятларида дуч келадиган муаммолар қандай ечим топаётганлиги намоён этилди. Шунингдек, қатнашчилар ўз чиқишларида ўзбек халқ миллий қадриятлари, халқ донишмандлик мероси намуналарини ҳам бадиий услубда намойиш қилдилар.

Тадбирда Юнусобод тумани ҳокимияти, «Камолот», «Маҳалла» жамғармалари вакиллари иштирок этишиб, шифокорлар чиқишларига баҳо беришди. Шунга кўра кўрик-танлов ғолиби деб шифохонанинг ёш ҳамшираси Нодира Бадалбоева топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Зулфия Каримова ҳамда Дилфуза Чориевалар олдилар.

*Илҳом АЛИМОВ,*
*Юнусобод тумани «Камолот» жамғармаси раиси.*

*Саломатлик*

# ТАНАНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛЪАСИ

***Кўчада ёки бекатда турган чиройли, келишган йигит ёки қизни кўриб қолдингиз. Дейлик, кўнглингиздан қандай гап ўтади, билмадигу, лекин шу кишининг хушқомат, гўзал бўлиб туриши сабаби хусусида ўйлаш хаёлингизга ҳам келмайди. Инсоннинг кўркам ва бежирим бўлишида эса суяк, суяк бўғинларининг хизмати беқиёсдир. Афсуски, ана шу заҳматкаш суяк ва бўғинлар ҳам бошқа аъзолар каби сил билан хасталаниши мумкин.***

Айтишларига қараганда сил инсоният билан баробар ёшда экан. Яъни Мисрда эрамиздан уч минг йил аввал яшаган ва мўмиёланиб қолдирилган ҳар ўнта одам жасадидан тўрттасининг умуртқасида сил касаллигидан қолган белгилар топилган. Сил касаллиги инсоннинг қайси аъзосини (ўпка, суяк бўғинлари, буйраклар, лимфа безлари) жароҳатланмасин, касалликда бутун тана таъсирланади. Бу ҳолат сил таёқчалари ажратадиган заҳар туфайлидир. Ўпка сили сингари суяк-бўғинлар силида ҳам касалликнинг дастлабки белгилари сифатида тез чарчаш, мажолсизлик, иштаҳанинг йўқолиши, терлаш аломатлари пайдо бўлади. Касалликнинг бу белгиларини бемор шамоллаш ёки чарчашдан деб билиб, ўз вақтида шифокорга мурожаат қилмайди.

Дарднинг бошланғич даврида иситма 37,5 даража атрофида бўлиб туради.Суяк силида касалликнинг маҳаллий белгилари қайси суяк бўғинларининг сил билан хасталанишига боғлиқ. Маълумки, суяклар тизимида сил касаллиги энг кўп умуртқаларда учраб, иккинчи ўринда сон-чаноқ ва тизза бўғинларининг сили туради. Умуртқалар силида дастлабки белгиларидан бири оғриқдир. Оғриқ кўпинча бирон-бир оғир юк кўтариш, қаттиқ урилиш-йиқилиш ёки ҳар хил шамоллашлардан кейин пайдо бўлиб, касалликнинг дастлабки кунларида унга деярли эътибор берилмайди. Кейинчалик оғриқ кучая бошлайди. Агар умуртқанинг кўкрак қисми сил билан касалланса оғриқ қовурғалар бўйлаб тарқалади, баъзан нафас олиш қийинлашиб, юрак соҳасида оғриқ туради.

Касаллик кучайиб кетса умуртқалар атрофида кўплаб йиринг йиғилиши мумкин, суякларда эса чириб парчаланиш ҳолати кузатилади. Булар ўз навбатида орқа мияни босиб қўйиши натижасида, ичаклар фаолияти сусайиши, сийдик ва ахлат ажралишининг бузилишига олиб келади. Оёқлар қувватсизланади, ҳатто шол бўлиб қолиши мумкин. Сил билан умуртқанинг бел қисми зарарланса касаллик дастлаб бел оғриғи сифатида кечиб, бемор касалликка ойлаб, ҳаттоки йиллаб эътибор бермасдан юриши, ёки невропатолог ва бошқа шифокорлар қабулига беҳуда қатнаб юриши мумкин.

Сон-чаноқ ва тизза бўғинлари сили ҳам дастлаб оғриқ пайдо бўлиши билан бошланади, оғриқ айниқса юрганда кучайиб, дам олиш пайтлари енгил шишади. Бунда бемор оқсай бошлайди. Бўғинларда эса шиш пайдо бўлиб, секин-аста у катталашади, баъзан терида тешик пайдо бўлиб, ундан қуюқ йиринг оқиши мумкин. Йиринг оқиши узоқ давом этиб, яра битмасдан юради. Шишдаги оғриқ натижасида бўғинларда ҳаракат чегараланиб, оёқларнинг букилиб қолиши кузатилади, бемор фақат қўлтиқтаёқлар ёрдамида юра олади. Баъзан бунда касал оёқ соғига нисбатан ориқлашиши, калталашиши мумкин.

Суяк сили билан оғриган беморларни даволаш анча қийин кечади. Аввало бемор 5-6 ойлаб, ҳатто йиллаб ўрнидан қўзғалмасдан касалланган бўғин ёки суяк гипсланган ҳолатда, ёки гипссиз даволаниши зарур. Дорилар ёрдамида ҳамда беморнинг онгли, фаол ёрдами туфайли сил қўзғатувчиси тугатилгач, бўғиндаги ёки суяк атрофидаги шишлар, йиринглар йўқотилишига қарамасдан суякнинг ўзидаги чириган жойлар узоқ вақтгача битмаслиги, ҳатто бир умрга асорат қолдириши мумкин. Шундай қилиб бугунги кунда суяк силини, жумладан бошқа аъзолар сили касаллигини ҳам даволашда 30 дан ортиқ силга қарши кучли дорилар ва антибиотиклар бўлиб, улар турли жарроҳлик усуллари билан бирга қўлланадилар. Бу чоралар силга қарши курашувчи махсус диспансерларда, шифохоналарда мутахассислар томонидан амалга оширилиши лозим. Даволанишнинг самарали якунланиши бевосита касалликнинг ўз вақтида аниқланишига ва қандай даво чораларини ўтказишга боғлиқдир.

Аҳоли ўртасида баъзи бир кишилар суяк-бўғинлар сили билан оғришга мойил одамлар ҳисобланадилар. Буларга ревматизм, артрит, полиартрит, остеомиелит, остеохондроз, радикулит, спондилит ва шунга ўхшаш касалликлар билан оғриган ва шифокор ҳисобида турадиган беморлар киради. Бу тоифадаги кишилар доимо шифокор назоратида бўлиб, унинг айтганларига тўлиқ амал қилишлари керак. Хулоса қилиб айтганда суяклар тизими инсон танасининг мустаҳкам қалъаси ҳисобланиб, қоматингизнинг тик ва қувватли бўлиши уларга боғлиқдир.

*Пиримқул НАЗИРОВ,*
*тиббиёт фанлари доктори, профессор.*

*Шифокор маслаҳати*

# БАҲОРДА ТОЛИҚМАЙ ДЕСАНГИЗ...

***Баҳор фаслида табиатда жонланиш, уйғонишни кузатиш мумкин. Ёз, куз ва қиш фаслларига нисбатан кўкламда киши танасида модда алмашинув жараёнлари кечади. Бундай пайтда танага зарур бўлган фермент ва коферментлар ўз вақтида етказилиб турилиши керак. Инсонга, айниқса болалар ва ҳомиладор аёллару эмизикли оналар танаси учун баҳор фаслида лозим деб белгиланган моддалар асосан овқатларда мавжуд бўлади. Қуйида баҳор фаслида киши танаси учун зарур бўлган сувда эрийдиган дармондорилар хосияти ва улар манбаи ҳақида тўхталиб ўтамиз.***

- Тиамин ёки «В1» дармондориси — карбонсувлар, оқсиллар алмашинувида асаб импульсларининг ўтишида қатнашади. Манбаи: кепак, хамиртуруш.
- Рибофлавин ёки «В2» дармондориси — кўз гавҳари ва мугуз пардасининг нафас олишида, қизил қон таначаларидаги гемоглобин моддасининг вужудга келишида иштироки бор. Манбаи: хамиртуруш, карам, сабзи.
- Пантотен кислотаси ёки «В3» — оқсиллар, ёғлар ва карбонсувлар алмашинувида ҳамда асаб толалари орқали овқатланиш жараёнларида таъсири аниқланган. Манбаи: кепак, хамиртуруш, тухум.
- Никотин кислотаси ёки «В5» — холестерин алмашинувида иштирок этади, кепак, хамиртурушда кўплаб учрайди.
- Пиридоксин ёки «В6» — тўйинмаган ёғ кислоталарининг ишлатилишини яхшилайди, танада триптофан аминокислотасидан никотин кислотаси пайдо бўлишини бошқаради. Манбаи: кепак, хамиртуруш.
- Фолий кислотаси ёки «В9» — аминокислоталар, холин моддаси, қон пайдо бўлишида қатнашади. Манбаи: ўсимликлар, ошкўклар.
- Цианокобаламин ёки «В12» — қизил қон таначаларини вужудга келишида қатнашади, жигарни ёғ босишдан асрайди, аминокислоталар пайдо бўлишини фаоллаштиради. Манбаи: жигар, буйрак, гўшт.
- «С» дармондориси — киши танаси қувватини оширади. Манбаи: наъматак, қора қанд, шивит ва ҳоказо.

Юқорида санаб ўтилган дармондориларни қуйидаги маҳсулотлар ва таомлардан ўзлаштириш фойдали:

Бодринг сабзавотлар ичида тўла пишиб етилмай тановул қилинадиганлардан бўлиб, унинг таркибида тартрон кислотаси мавжуд. У атеросклероз касаллигининг олдини олишда анча қадрланади. Кўкпиёз суюқ овқатлар билан тановул қилинса, иштаҳани очади. Шивит, яъни укропни ҳар қандай кўринишда таомга қўшиб ейиш жигар ва ўт пуфаги касалликлари учун фойдали. Редисканинг қизилида темир моддаси, ҳаворанглигида кобальт, оқ туслигида эса фосфор кўплаб учрайди.

Баҳор фаслида егулик ўсимлик маҳсулотларидан ташқари кундалик таомнома таркибида албатта нон бўлиши, айниқса биринчи навли ундан тайёрланганни асқотади. Бу фаслда киши кўпроқ суюқ таомларни хоҳлайди. Аммо суюқ таомларни ҳафтасига 2—3 марта тановул қилиб, қолган кунлари қуюқ таомлар билан чекланиш киши танасини бақувват қилади, чунки улар таркибидаги оқсиллар, ёғлар ва карбонсувлар миқдори суюқ таомлардагига нисбатан кўп. Баҳор фаслида ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотлар, хусусан гўшт, сут ва сутли маҳсулотлар, жумладан қатиқ, сузма, чуритма, қаймоқ бўлиши киши танасини ёғда эрийдиган, саломатлик учун зарур бўлган «А», «Д», «Е» ва «К» дармондорилари билан таъминлашда асқотади. Масалан «А» дармондориси бола танасининг меъёрда ўсиб-униши, унинг тана қуввати ва кўз нурини оширишда алоҳида аҳамият касб этса, «Д» дармондориси рахитдан сақлайди, танада кальций ва фосфор маъданларининг алмашинувида фаол қатнашади. «Е» дармондориси иммунобиологик ҳолатлар учун, «К» эса қон қуйилиш жараёнлари учун керак.

*Ботир САИДОВ,*
*«Она ва фарзанд» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.*

*Муносабат*

# НУРЛИ КЕЛАЖАГИМИЗ

***Ҳозир шундай давр, шундай шароитда яшаяпмизки, нимани истасак, нимани орзу қилсак барчасига эришиш, бунёд этиш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Бунинг учун, энг муҳими, эркимиз ўз қўлимизда. Бундай улкан режаларни амалга ошириш, барпо этиш ҳар бир фуқародан фидойи бўлишни талаб қилади. Унинг лоқайд бўлишга ҳаққи йўқ! Негаки, барча ҳаракат ва меҳнатлари энди фақат ўзи учун, ўз Она-Ватани равнақи учун қилинаётганини кўриб, билиб турибди.***

Маълумки, мамлакатимизда истиқомат қилувчи аҳолининг салкам тенг ярми болалар ва ўсмирлардан иборат. Шундай экан, бизнинг ишонган тоғимиз, эртанги тонгимиз, келажагимиз, мамлакатимиз ривожи, куч-қудратини оширувчи асосий таянчимиз — шулар. Бу миллион-миллион кучлар ўзидан-ўзи бунёдкор бўлиб қолмайди. Уларни келажакка тайёрлаш керак. Бу буюк вазифа ота-оналар, биз педагоглар, жамоатчилик, қолаверса, ҳамма-ҳамманинг зиммасига катта масъулият юклайди. Шахсан Президентимиз келажак авлод ҳақида тинмай қайғурмоқда ҳамда бу эзгулик йўлида зарур чора-тадбирлар кўрмоқда. Жорий йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши ва бу борада аниқ кўрсатмалар берилиб, амалий ишларга дадил ўтилаётгани ҳам юқоридаги фикримизнинг яна бир ёрқин далилидир.

Ёш авлод тарбияси мавсумий иш эмас. Бу соҳада ниманидир кутиш, пайсалга солиш ҳам кетмайди. У ўта билимдонлик ва аниқ режа билан иш кўришни тақозо қилади. Биз бола тарбиясида оила, мактаб, жамоатчилик — маҳалла кўйини асосий таянч деб атадик. Бу тўғри, албатта. Лекин, масаланинг бошқа бир нозик жиҳати борлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Тарбия ўта мураккаб ва долзарб муаммолардан бўлгани учун уни бўлакларга бўлиш ёки ажратиш мумкин эмас. Шунингдек, тарбиячи воситаларга ҳам бир-биридан айрича қараб бўлмайди. Таянч кучлар қанчалик ажратилса, унинг таъсири ҳам шунча суст бўлади. Тарбия ишига барча-барча ўзини сафарбар деб англаши керак. Бас, зиммамизга шундай буюк вазифани олган эканмиз, уни амалга оширишга қатъий эътиқод, соф виждон билан киришайлик. Амалий ишга ўтадиган бўлсак, аввало ёш авлод тарбиясидаги бош масала — ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик ғояларини ҳар бир бола қулоғига қуйайлик. У буни юракдан ҳис этсин. Негаки, бизнингча, тарбия хусусидаги барча ҳаракатлар ана шу икки муҳим ғояга бориб тақалади.

Бунинг учун шахсий намуна жуда-жуда муҳим. Қуш уясида кўрганини қилади, деган ажойиб нақл бор. Ҳар бир бола ҳам асосий тарбияни оилада олади. У ота-онаси, ака-опаларидан зарур инсоний фазилатларни ўрганар экан, катталарнинг юриш-туриши, муомаласи, ўзини тутиши, борингки, ҳар бир юмушни сидқидилдан бажариши ўрнак ўрнида ўтади. Айниқса, бу хусусда ота-она ва муаллимнинг шахсий ибрати эътиборли. Ўқитувчи ўз фанини чуқур ва соз ўтиши камлик қилади. Дарсини ҳар томонлама пухта ва юқори савияда ўта олган муаллим ҳар бир боланинг қалбига ҳам йўл топа билиши зарур. Бу энди ундан ҳақиқий фидойилик ва педагоглик маҳоратини талаб қилади.

Юқорида айтганимиздек, биз оилада ҳам, маҳалла ва мактабда ҳам тарбиянинг ҳар бир қиррасини ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик ғоялари билан узвий равишда боғлаб олиб борсаккина, ишимизнинг самараси кўринади. Бола ҳалол, тўғри ва ростгўй, чинакам меҳнатсевар бўлсагина, ён-атрофдагиларга ҳам, юз берадиган воқеа-ҳодисаларга ҳам бошқача нигоҳ билан қарайди, ҳадиксираш, хавотирланиш нималигини билмайди. Унинг қадам босиши тўғри, дунёқараши тийран бўлади. Энг муҳими, ҳаёт маъносига тушуниб етади. Ҳалол меҳнат нонини еб вояга етган мурғак қалб эгаси ота-она, ер, сув, Ватан қадрига ета боради ва унда ватанпарварлик ҳисси уйғона бошлайди. Шу боис, ҳар бир бола ўз меҳнати самарасини кўра олса ва билаолса ўрганган касб-ҳунари билан ҳақли равишда фахрланади. Сир эмаски, мактабларимизнинг ҳаммасида ҳам меҳнат тарбияси юксак савияда дея олмаймиз. Баъзиларида меҳнат дарси хўжакўрсинга ўтилади. Бу билан биз болаларимизга, демакки, жамиятимизга катта зарар етказаётганимизни ё сезамиз ёки умуман сезмаймиз.

Айрим ота-оналар меҳнат тарбиясига нотўғри муносабатда бўладилар. Улар фарзандларини бозорларга чиқариб, олди-сотти қилдирадилар-да, боламиз меҳнат билан нон топяпти, — дея мақтанадилар. Биз яхши англаймиз, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳамманинг ҳам ҳаёт тарзи бир хил эмас. Лекин ҳар қандай бўлганда ҳам болани мактабдан қолдириб, бозорга чиқариб қўйиш инсофдан эмас!

Модомики, ёш авлодни меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бир-бири билан узвий равишда боғлиқ экан, кўп йиллик педагогик тажрибамга таяниб айтмоқчиманки, бола чинакамига меҳнатни севса, бирор касб-ҳунарни эгаллаб мевасидан баҳраманд бўлса, ундан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. У ота-онасига, умуман барча оила аъзоларига, дўстлари ва муаллимларига нисбатан самимий, меҳрибон бўлади. Ундай болада ўзига нисбатан ҳам ишонч ва ғурур пайдо бўлиб, оила ва мактабига муҳаббати янада ошади. Демак, ватанпарварлик ҳисси жўш ура бошлайди; ҳар бир нарсани асраб-авайлайдиган, меҳрибон ва раҳмдил бўлади.

Масаланинг нозик томони шундаки, мурғак қалбга комил инсоний фазилатларни бирдан ёки буйруқ йўли билан тезда сингдириб бўлмайди. Бу жуда секинлик билан амалга ошириладиган жараён, шошишни ёқтирмайди. Бунда яна катталар ибрати зарур. Атрофида яхши ва ҳалол одамлар қанча кўп бўлса, бу вазифа шунча тез ижобий натижа бериши мумкин. Ёки аксинча, фараз қилайлик: оилада ота ёки она ўзи ёлғончи бўлса-ю фарзандини ростгўй қилиб тарбиялашни хоҳласа; мактабда синф раҳбари ёки бирор ўқитувчи ўта дангаса ва меҳнатга тоқати бўлмаса-ю шогирдини меҳнатсевар қилиб тарбиялашни истаса; бирор кимса ватан қадрига етмаса ёки ватанпарварлик нималигини билмаса-ю нуқул ватан ва ватанпарварликни рўкач қилаверса... Бунинг натижаси ўз-ўзидан маълум ва равшан. Шу боис тарбияловчининг ўзи тарбияланган, ҳар жиҳатдан ибрат бўлмоғи лозим...

Мана, кўз ўнгимизда мамлакатимизнинг ҳақиқий эгалари — ҳар жиҳатдан камол топаётган ёш авлод вояга етаяпти. Уларни буюк бунёдкорлик ишлари кутаяпти. Ватан равнақи, эл-юрт, бахт-саодати йўлида ҳамиша хизматга тайёр турган бу садоқатли ёшлар бизнинг нурли келажагимиздир.

*Васила НОРМАТОВА,*
*Тошкентдаги 245-ўрта мактаб ўқитувчиси.*

**Бош муҳаррир**
**Эркин ЭРНАЗАРОВ**

*«02»*

# ҚОТИЛГА — ОЛИЙ ЖАЗО

***Яқинда Тошкент шаҳар судида Сергели туманида истиқомат қилувчи Артем Югайнинг жиноий ҳатти-ҳаракати кўриб чиқилди. Интиҳоси фожиа билан тугаган ушбу жиноятнинг келиб чиқиш сабаби нимада?***

Муқаддам икки бор қамалиб тавбасига таянмаган Артем Югай бош оғриғи талвасасида зир югуриб хоналарни айланиб чиқди. Куни-кеча уйига тўпланган меҳмонлар бўшатиб кетган шишаларни силқитиб кўрди. Биронтасининг тагида култум арақ қолмабди. Нима қилиш керак? Ётди-турди, бўлмади. Шунда бирдан хаёлига эски таниши — Сергелининг 8-даҳасидаги 83-уйнинг 40-хонадонида яшовчи Светлана Лянникига бориш фикри туғилди. Илгарилари бу хонадонда бир-икки бор бўлганида музлатгичда ҳамиша арақ туришини билганди.

Йўлга отланди. Ораси яқин. Пиёда юрилса бир чақирим йўл. Қолаверса ҳамма ширин уйқуда ётган тонг қоронғисида унинг ичкилик тўлғоғида кўча кезиб юрганини ҳеч ким билмайди.

Бемаҳал эшик қўнғироғининг жиринглашидан хонадон бекаси чўчиб тушди. Хавотирланиб ўрнидан турди. Йўлакка чиқиб «ким» деган овоз берди.

— Света оч, бу мен Артемман, — ташқаридан ғулдираган овоз эшитилди.

— Нима гап, тинчликми?

— Оч, сенда ишим бор.

«Кайфи борга ўхшайди. Яхшиси бу аҳволда ичкарига киритмаганим маъқул. Унинг устига қизалоғим бор, уйғониб қолса нима дейди» ўйланиб қолди аёл.

— Тун қоронғусида нима қилиб юрибсан? Ахир қўшнилар кўриб қолишса нима дейди. Ишинг бўлса тонг отгандан сўнг кела қол.

— Оч дедим, оч, — таҳдидли овоз эшитилди ташқаридан.

Лекин бека қўрқиб эшикни очмади. Шундан кейин ҳам эшик қайта-қайта тарақлади. Аёл ялиниб-ёлворди, илтимос қилди. Бироқ Артем ўжарлик қилиб эшикни бузиб ичкарига кирди-ю, қўрқа-писа йўлакда писиб турган аёлга тарсаки тортиб юборди. Онасининг ким биландир жанжаллашаётганидан уйғониб кетган Надежда югуриб йўлакка чиқди. Қараса номаълум киши онасининг ёлворишига қарамай уни бош кўзи аралаш уряпти. Қизча кела солиб номаълум кишининг қўлига ёпишди. Онасини урмасликни ундан илтимос қилди. Номаълум киши эса бунга жавобан қизчани қўлидан судраб ичкарига олиб кирди.

— Агар яшашни истасанг шу ерда жим ўтир, — дея унинг юзига ҳам шапалоқлади. Надя қўрқиб жимиб қолди.

Кейин номаълум киши қаердандир қўлига тушган болта билан онасини бошига ашаддий ура кетди. Қизчанинг зор-интизор қақшагани унга кор қилмади. Она эшик тагида сулайганича қонга ботди.

Артем олдинига зир югуриб уйни айланиб чиқди. Стол устида турган қўл соатини чўнтагига урди. Надяга яқин келиб тўхтаб қолди. Кейин шаҳвоний ҳирс билан унга ташланиб, ечинтирди. Ҳирсини қондириб, бир пиёла арақ ичиб олиш учун музлатгичга қўл чўзиб уни очди. Унинг ичидаги ярим шиша арақни олди-ю, ютоқиб пиёлага қуйди. Надя эса шу вазиятдан фойдаланди. Тура солиб кўчага қочди. Қўшниларникидан телефон қоқиб милицияга хабар қилди.

Артем фурсатни бой берганидан афсуландию, лекин хонадонни тарк этишга шошилмади. Қолган-қутган арақни ичиб тагига етгунча милиция хизматчилари етиб келишди-да уни жиноят устида қўлга туширишди.

Жиноятчи судда ўз айбини юмшатиш учун турли уйдирмаларни рўкач қилди. У Света Лян билан 1991 йил баҳорида танишгани, шундан кейин марҳума билан бир неча бор учрашганини баён қила туриб, ўшанда у тижорат мақсадида бир йилга тўлаш шарти билан Артемдан 12 минг АҚШ долларини қарзга олганини, кейин қарзини қайтариб бермай юриб ундан тонганини айтиб, ўтирганларни гапига ишонтирмоқчи бўлди. Лекин унинг бу ёлғон кўрсатмаси аниқ далил ва исботлар олдида рўёга айланди.

Суд ҳайъати 41 ёшли жиноятчи Артем Югайни қилмишига яраша жазолади. У олий жазога ҳукм қилинди.

*Рихсибой ШОМАҚСУДОВ,*
*Сергели тумани прокурорининг катта ёрдамчиси.*

РЕСПУБЛИКА "МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ" ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИНИНГ АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ БЎЛИМИ
қуйидаги қисқа муддатли курсларга қабул эълон қилади:
☑ БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИ;
☑ ЛОТИН АЛИФБОСИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК ТИЛИ;
☑ КЛАССИК МАССАЖ.
Курсларни тугатганларга диплом берилади.
Манзилимиз:
Акмал Икромов ҳокимлиги, 8-қават, 1-хона.
Телефон: 74-20-76.
©ФРИА Тошкент-Тайм

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Тошкент универмаги» ОАСИЧЖ Кузатув кенгаши 1998 йил 24 апрель соат 10.00 да жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Тошкент универмаги» ОАСИЧЖнинг 1997 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисобот ва уни тасдиқлаш.
Балансни тасдиқлаш.
Акционерлик жамиятининг 1997 йилдаги даромади ва зарарини тасдиқлаш.
2. Универмаг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
1997 йил иш якунлари бўйича аудитор хулосасини тасдиқлаш. Аудиторни тасдиқлаш.
3. Акционерлик жамиятининг 1997 йилдаги даромадини тақсимлаш. Дивидендлар фоизини, уни тўлаш тартиби ва муддатини тасдиқлаш.
4. Муассисларнинг «Ваҳдат» ҚК ва «Мадина» ҚК таркибидан чиқиши ва уларнинг тугатилиши тўғрисида.
5. «Тошкент универмаги» ОАСИЧЖ Низом фондини Республика Президентининг 1997 йил 31 мартдаги VII-1740-сонли Фармонига мувофиқ ҳолда тартибга келтириш. Акциядорлик жамияти Низомига тегишли ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритиш.
6. Тафтиш комиссияси тўғрисида қоидаларни тасдиқлаш.
7. Ҳар хил масалалар.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 1998 йил 9 мартгача бўлган маълумот асосида тузилган.

Акциядорлар жамиятнинг 1997 йилдаги фаолияти тўғрисидаги материаллар билан 1998 йил 10 апрелдан бошлаб ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан соат 13.00 гача Кузатув кенгаши хонасида танишиш мумкин.

Йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олиш 1998 йил 24 апрель куни соат 9.00 да бошланади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 17-уй.
**«Тошкент универмаги» ОАСИЧЖ биноси, 4-қават, «Шуҳрат» хонаси.**

OPPRTUNITIES FOR TRANSLATORS
BBC World Service Monitoring
gathers news from Central Asian broadcast and press sources.
Our office in Tashkent is looking for translators into English with an excellent-preferably native-level-knowledge of Pashto language.

Those interested should contact Dinara Tadjibaeva on 68-62-12 or 40-64-46 during office hours (9.00 to 17.00) Monday to Friday.

Бектемир туманидаги «Истиқлол-159» акциядорлик жамияти «Истиқлол-159» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилди.

Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

**Тошкент шаҳар, Бектемир тумани «Истиқлол-159» ҳиссадорлик жамиятининг 1997 йил ҲИСОБОТИ**

| | (минг сўмда) |
|---|---|
| Товар айланмаси | 8825,7 |
| Ялпи устамаси | 2683,4 |
| Харажатлар | 1331,3 |
| Соф фойда | 462,7 |
| 35% дивидендга | 161,7 |
| 5% резервга | 23,1 |
| 60% тақсимланмаган | 277,9 |
| Акциялар сони | 487 дона |
| 170 таси | давлат ҳиссаси |
| 317 таси | «Истиқлол-159» ҳ.ж. |
| Битта акция дивиденди | 332 сўм |

Тикув машинаси, музлатгич харид қиламан.
Тел: 92-21-46, 90-54-37.

Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-01051. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ 9.272 нусхада босилди. 1 2 3 4 5.